
Ҳамма "Ўрик гуллаганда" ёшлар ижодиёт фестивалига!!!

Қадрли юртдошлар!

Эртага, 28 март куни Ўзбекистон туманида илк бор "Ўрик гуллаганда" ёшлар ижодиёт фестивали бўлиб ўтади.

Миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилишга қаратилган фестивал халқ сайлларига уланади. Унда ёшларнинг ижод намуналари, турли томошалар, тақдимотлар, кўргазмалар, миллий ўйинлар, бадий жамоаларнинг чиқишлари, танлов ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Она табиат бағрида, туманнинг "Ўқчи" маҳалласидаги сўлим боғларда ўтказиладиган фестивал соат 10.00 дан бошланади.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган ушбу фестивал ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиши белгиланган.

Барча ҳамюртларимизни фестивал тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз!

[????Манзил](#)

2024-03-27 13:18:11